# ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференцияда давлатимиз раҳбарининг Афғонистондаги мавжуд энг долзарб ва ўткир муаммоларни ечишда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга устувор аҳамият бериш, аҳолини иш билан таъминлаш, самарали бошқарув вертикалини шакллантиришга оид ва бошқа таклифлари айни пайтда энг мақбул ва истиқболли, замон воқелигини инобатга олган ва вазиятни таҳлил қилган ҳолда чуқур ўйлаб илгари сурилган ташаббуслар экани алоҳида таъкидланди.

«Президент Ислом Каримовнинг ташаббуслари халқаро майдонда катта хайрихоҳлик билан кутиб олинаётганининг сабаби шундаки, улар Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш заруратидан келиб чиққан», — деди Европа халқаро муносабатлар институти президенти Ирнерио Семинаторе.

Италиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси И. Брунетти хоним Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича ташаббусларини юқори баҳолаб, уларни «ҳал қилувчи ташаббуслар», деб атади. Унинг айтишича, «Президент Ислом Каримов ўзининг узоқни кўзлаб иш юритадиган, вазият қай йўсин ривожланишини анча олдиндан кўра биладиган сиёсатчи эканини яна бир карра намоён этди». «Ўзбекистон Президенти ташаббусларининг долзарблиги шундаки, улар ўз вақтида баён этилди ва Афғонистондаги кўплаб муаммоларни ечишнинг энг мақбул формуласини ўзида мужассам этди», деди И. Брунетти. Шунингдек, «6+3» мулоқот гуруҳи бўйича таклиф ҳамда бу гуруҳ фаолияти БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили билан бирга мувофиқлаштирилиши «ёрқин ғоя» эканини таъкидлади.

БМТ шафелигида иш юритадиган, ҳозирги замон воқеликларини ҳисобга олган ҳолда янгиланган, таркибига Афғонистонга қўшни давлатлар, Россия ва АҚШ билан бирга НАТОнинг ваколатли вакиллари ҳам кирадиган ушбу тузилма Афғонистон заминида тинчлик ва тотувликка эришиш масаласига янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши, ушбу мамлакатдаги ўзаро низолашаётган томонлар ўртасидаги музокаралар жараёнининг самарали кечишига кўмаклашиши мумкин бўлур эди.

Конференция қатнашчилари қайд этганидек, бугун энг тўғри ва ягона йўл — мавжуд можароларни тинч йўл билан ҳал қилишда, иқтисодиётни ривожлантиришда, уруш туфайли вайрон бўлган инфратузилмани тиклашда афғон халқига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Мунозара чоғида ушбу мамлакатда давлат ва жамият қурилишидаислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришни таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Бухарест саммитидаги нутқида кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, камсонли миллатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ислом динига асоссиз таъна-маломат ёғдиришга йўл қўймаслик зарурлигини таъкидлаган эди. Конференция қатнашчилари бу заруратни афғон инқирозини бартараф этишнинг муҳим омилларидан бири сифатида қайд этдилар.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда демократик янгиланиш ва мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама кўриб чиқдилар ва ижобий баҳоладилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда икки палатали парламент тузилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмокда, миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик ислоҳотлар талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Ўтган йили «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши амалда кўп партиявийликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Кучли фуқаролик жамияти ва унинг институтларини шакллантириш фаол давом этмокда. Бу институтлар мамлакатимиз олдида турган долзарб муаммоларни ечишда тобора фаол иштирок этмокда. Ғоят муҳим икки қарорнинг қабул қилиниши — мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши — суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон бозор иқтисодиётини ривожлантиришда юксак муваффақиятларга эришганини таъкидладилар. Ғалла мустақиллигига эришилгани озиқ-овқат соҳасида мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг силкинишларидан ҳимоя қилиш имконини бермокда. Миллий иқтисодиёт учун мутлақо янги тармоқлар, жумладан, автомобилсозлик, газ кимёси каби соҳалар вужудга келди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кенгайтириш, мамлакатга хориж сармоясини жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратилди.

Ажай Кумар Патнаик таъкидлаганидек, Ўзбекистонда барқарорликка сиёсат ва қонунчилик соҳасидаги салмоқли саъй-ҳаракатлар орқали эришилди, мамлакатда мафкура хилма-хиллиги, эркин бозор ва хусусий мулк ривожи учун қулай муҳит яратилди. Бундан ташқари, кўплаб миллатлар вакиллари истиқомат қиладиган Ўзбекистон давлати миллатлараро муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлашда катта ютуқларни қўлга киритди.

«Ўзбекистон — бу барқарор давлатдир, — деди Италия Республикасининг мамлакатимиздаги собиқ Фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти хоним. — Сўнгги йилларда Ўзбекистонда улкан ижобий ўзгаришлар рўй берганини таъкидламоқчиман. Буни Тошкент мисолида ҳам кўриш мумкин, у янада гўзал қиёфа касб этибди, замонавий бинолар, транспорт магистраллари шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди. Умуман, ривожланиш ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон истиқлолининг илк йилларида, мен бу ерда ишлаган кезларда, мамлакатда ҳали муайян дастурга эга сиёсий партиялар, мустаҳкам мавқега эга ижтимоий-сиёсий институт йўқ эди. Бугун мазкур соҳаларда кишида ҳавас уйғотадиган ўзгаришлар кўзга ташланади, сиёсий ва фуқаролик институтларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш жараёни жадал ривожланиб, фикрлар хилма-хиллиги рўёбга чиқмокда. Мен мана шунинг ўзи демократия, деб ҳисоблайман».

«Тинчлик ва барқарорлик энг олий қадриятлардир, — деб таъкидлади Янги демократиялар институтининг (АҚШ) «Очиқ мулоқот» лойиҳаси директори Мьюша Север хоним. — Аммо улар ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки кўп меҳнат талаб қилади. Мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкам сақлаб келаётгани ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқ қолаётгани учун Ўзбекистон халқига ҳар қанча таҳсин айтса арзийди. Мен Ўзбекистонда қарийб беш йил ишладим ва бу мамлакатнинг буюк келажагига ишонаман. Ривожланиш жараёнида муаммолар бўлиши табиий, албатта. Аммо Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва демократияни таъминлаш борасида муҳим қадамларни ташлади, жумладан, мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди, «Хабеас Корпус» институти жорий этилди, суд-ҳуқуқ тизими либераллаштирилди, бошқа хайрли кўплаб ишлар амалга оширилди. Президент Ислом Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони, аҳолининг инсон ҳуқуқларига оид билимини, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада юксалтириш борасидаги ишлар кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мамлакатда Ўзбекистон халқининг демократик жамият қуриш борасидаги салоҳиятини ҳар томонлама тўла ишга солиш учун шарт-шароит яратилмоқда. Ички барқарорлик давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали таъминланмоқда. Ишончим комилки, яқин келажакда Ўзбекистон жаҳон майдонидаги глобал кучлар орасидан нуфузли шерик сифатида ўзига муносиб ўрин эгаллайди».

Таъкидланганидек, демократик ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаган Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу улкан ўзгаришларнинг ўзига хос жиҳати уларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётганидадир. Бунинг натижасида эришилган ютуқлар амалда мустаҳкамланмоқда, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий модернизация йўлида янги марраларга эришиш учун замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

*Сергели туманидаги «Файз» холдинг компаниясининг мажлислар залида 5-Қўйлиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган Зиёдулла Убайдуллаев билан давра суҳбати ўтказилди.*

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Депутат бунга қадар Сергели туманининг турли масканларида сайловчилар, давлат ҳокимияти вакиллари, аҳолининг фаол қатламлари билан қатор учрашувлар ўтказганди. З. Убайдуллаевнинг бу сафарги учрашуви тумандаги барча саноат корхоналари, кичик ва хусусий бизнес тизими ишлаб чиқарувчилари билан бўлди. Депутат сайловчиларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қонун ижодкорлиги ҳақида батафсил маълумот берди.

### Депутат ва ҳаёт

Жумладан, 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўлами ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Давра суҳбатида Сергелидаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, кичик ва хусусий бизнес субъектлари, масъулияти чекланган жамиятлар вакиллари мамлакатимизда тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратилганлиги, бу эса аҳоли фаровонлиги ҳамда мамлакат иқтисодиётининг юксалишига асос бўлаётганлиги хусусида гапирдилар. Айниқса, 2008 йилнинг бошидан кучга кирган янги Солиқ кодекси қатор тўсиқларни олиб ташлаганлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашувлар барча шаҳар ва туманларда давом этмокда. Масалан, қуйи палата депутати Анора Бобомуродова Конимех ва Навбаҳор туманларида сайловчилар билан учрашувда парламент назорати ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган бўлса, Қонунчилик палатасининг яна бир депутати Зуҳра Ботирова Жондор туманида «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ижроси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Собиржон Жабборов Сайхунобод туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинларида, саноат корхоналарида ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ўз сайловчиларининг таклиф ва истакларини эшитди. 62-Янгиер сайлов округидан сайланган депутат Хуршид Дўстмуҳаммедовнинг Янгиер шаҳридаги академик лицейдаги учрашувлари савол-жавобларга бой бўлди.

Гап билан иш, ният билан амал, қонун билан ҳаёт муштараклигидан мукаммаллик ҳосил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи палатаси депутати Панжи Жўраевнинг Қумқўрғонлик сайловчилар билан учрашувларидаги баҳс-мунозаралар мавзуси худди шу муштаракликни ифодалашга қаратилди. Туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидаги учрашувда сайловчи М. Пардаев бугунги ютуқларни эртанги кунги ишларимизнинг дебочаси, деб атади. Депутат худди шу мулоҳазадан келиб чиқиб маҳаллаларда, мактабларда, шифо масканларидаги учрашувларда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар хусусида, қонунларни ҳаёт билан боғлаш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи экани тўғрисида гапирди. Қуйи палатада тайёрланаётган янги қонун лойиҳалари ҳақида фикрлашиб, сайловчиларнинг мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмокда.

**Эсиргап БОЛИЕВ.**

---

**Анжуман**

Кеча Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

# МУҲОКАМАДА МИНТАҚАЛАР РИВОЖИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент Молия институти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу конференцияда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, тадқиқот марказларининг етакчи олимлари иштирок этишди.

Илмий-амалий конференция иштирокчилари олтита секцияга бўлинган ҳолда, иқтисодиётнинг модернизациялаш даврида ҳудудларнинг жадал ривожланишини таъминлаш борасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича муҳокамалар олиб бордилар.

Тадбир якунида таҳлил қилинган табиий-иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари каби масалалар бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ ИЖОБАТИ

***Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилаётгани туфайли қисқа вақт ичида мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган бундай маҳсулотларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораётгани иқтисодиётимиз тобора мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти.***



### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Тошкентдаги "Ogneupor" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ерда юқори ҳарорат ва кислотага чидамли ғишт маҳсулотлари, шунингдек, қайроқтошлар ишлаб чиқарилади. Қора ва рангли металлургия, кимё ва электроника саноати, машинасозлик ва қурилиш соҳасида фойдаланиладиган бу маҳсулотлар илгари Россия, Беларусь сингари чет давлатлардан келтирилар, ўз навбатида, бу катта миқдордаги валютани талаб этарди.

— 1500-1700 даража иссиқликка бардошли ғиштлар ишлаб чиқариш юртимизда илк бор бизнинг корхонамизда йўлга қўйилди, — дейди жамиятнинг пиширув цехи бошлиғи Тўхтамурод Файзиев (суратда). — Улар тўлиқ маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани эса маҳсулот сифати юқори, нархи арзон бўлишини таъминламокда.

2007 йили заводда 2765,68 миллион сўмлик 7,4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 29 фоиз кўпдир. Қувонарлиси, Маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган кўрсаткич ортиғи билан бажарилиб, 413,7 минг АҚШ долларилик маҳсулот чет давлатларга экспорт қилинди. Жорий йилда ҳам кўрсаткичларни янада ошириш мақсадида мавжуд имкониятлар ишга солинмокда. Натижада шу йилнинг биринчи чорагида 440 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг қарийб 324 миллион сўмлиги харидорларга етказиб берилди.

Жамият цехларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётгани ишлаб чиқариш қувватини янада оширмокда. Дейлик, ўтган йили пиширув цехининг 60 метрлик печи тўлиқ қайта таъмирланди. Бунинг учун 100 миллион сўмга хорижнинг замонавий ускуналари келтириб ўрнатилди. Айни пайтда эса 80 метрлик ана шундай печь реконструкция қилинмокда.

**Р. САИДОВ.**
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

---

# БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича бир минг уч юздан зиёд тадбир ўтказилди. Ёшларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилганлиги ҳамда олиб борилган ана шундай тадбирлар натижасида жорий йилнинг тўрт ойида республикамизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 3,2 фоизга, ўз жонига қасд қилиш 25 фоизга камайгани бу фикрнинг исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"-ги Фармони бу йўналишдаги ишлар кўлами ва самарадорлигининг янада ошишида муҳим дастуриламал бўлмокда.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ички ишлар, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар масъул ходимлари иштирокида ўтган конференцияда бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

# ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

***— Бундай глобал молиявий инқироз ўзига хос "занжир" сифатида жаҳон молия бозоридан катта маблағларни жалб қилган ривожланаётган давлатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгандир...***

— Тўғри. АҚШда ипотека инқирози бошланганидан сўнг халқаро бозорда сармояларни жалб қилиш сезиларли даражада қимматлашиб, банкларда ликвидлик танқислиги муаммоси юзага келди. Натижада молиявий институтлар, биринчи навбатда, ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш давридаги давлатларга сарфланган инвестицияларни қайтариб олишни бошлади. Бу эса жаҳон молия бозоридан катта маблағларни жалб қилиб, улардан турли мақсадларда фойдаланган Шарқий Европа ва МДҲ айрим давлатларининг банк-молия тизимида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Ипотека инқирози ва ундан келиб чиққан ликвидлик муаммоси, биринчи галда, МДҲ мамлакатларидан Қозоғистон иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатди. Бунинг асосий сабабларидан бири Қозоғистон ташқи қарзининг юқорилигидир. Бошқа давлатлардаги каби, банк кредитларининг асосий қисми жамғармалар (аҳоли депозитлари) билан таъминланганлигидан фарқли ўлароқ, Қозоғистон банклари ўзларининг кредитга лаёқатлилик даражасини ташқи қарзлар билан доимий равишда таъминлаш йўлини танлади. Жорий йилда бу давлатнинг ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 96 фоизга етгани бунинг тасдиғидир.

Устига устак, 2008 йилнинг бошига келиб, Қозоғистон банк тизимидаги муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 59 фоизни ташкил қилди. Мазкур кўрсаткич банк тизими барқарорлигига баҳо беришда ишлатиладиган асосий индикаторлардан бири ҳисобланиб, халқаро талабларга кўра, унинг миқдори 4-5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Кўриниб турибдики, жаҳон молия бозоридаги инқироз ички манбалардан фойдаланмасдан, фақатгина ташқи қарзларга таяниб қолган мамлакатларда банк соҳасидаги муаммоларни намоён қилди. Қозоғистон банк тизими тўғрисидаги афсона чиппакка чиққани бунга яққол мисол бўла олади.

Ипотека бозоридаги инқироз, шунингдек, Россия банклараро пул бозорида ҳам фоизларнинг ўсишига олиб келди. Банклар учун ресурс нархларининг қимматлашиши банкдан қарз олувчиларга катта таъсир кўрсатиб, айрим банклар кредитлар бўйича фоиз ставкаларини оширди, бошқалари эса кредит ажратишни чекламокда. Сабаби, Россияда ҳам ташқи қарзлар юқори бўлиб, унинг ЯИМга нисбати 33 фоизни ташкил қилмокда.

***— Шу ўринда кўпчиликда «Жаҳон молия бозорида юз берган бундай инқироз мамлакатимиз банк тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмасмикан?» деган савол туғилиши, табиий...***

— Йўқ. Буни биз қатъий ишонч билан айта оламиз. Нега деганда, Ўзбекистон банкларига бўлган ишонч ва банк тизимининг барқарорлиги нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмокда.

Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз банк тизимини ривожлантиришга муҳтарам Юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор берилганлиги беқиёс аҳамият касб этди ва бугунги кунга келиб, бу тизимнинг мустаҳкамлиги ҳамда барқарор фаолият кўрсатиши тўлиқ таъминланди.

Қолаверса, кўпчилик ривожланаётган давлатлар, шу жумладан, Ҳамдўстлик давлатларида бўлганидек, истиқлолнинг илк даврида юртимизнинг тижорат банклари катта миқдорда — миллиардлаб чет эл валютасида кредитлар олишга ошиқмади. Аксинча, мамлакатимизда муҳтарам Президентимизнинг хорижий кредит тўловини келгуси авлод зиммасига юкламасдан, олтин-валюта захираларини ички имкониятларимиз ҳисобига барпо этиш борасидаги кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари асосида, ташқи савдо балансининг ижобий сальдосига эришиш эвазига хорижий валютадаги активларимиз ошириб борилмокда.

Шу билан бирга, ўтган қисқа давр ичида давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги банк тизимини янада ривожлантиришда дастуриламал вазифасини ўтади. Ушбу қонунчилик ҳужжатлари тижорат банклари капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун қўшимча акциялар чиқариш ва фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини орттиришга кенг йўл очиб берди.

Айни чоғда республикамиз банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23 фоизни ташкил этмокда. Бу халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан тавсия қилинган 8 фоизлик кўрсаткичдан қарийб 3 баробар юқоридир. Зеро, банклар томонидан муомалага чиқарилган акциялар миқдори 2007 йилнинг ўзида 2 баравар ошганлиги нафақат банклар капиталлашув даражасининг ошишига, балки республика фонд бозорининг жадал ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

МДҲ кўпгина давлатларининг тижорат банклари рейтинглари салбий кўрсаткичларга туширилаётган бир пайтда республикамиз банк тизимининг бу қадар ривожланиши, шак-шубҳасиз, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда **самарали банк назорати** жорий этилганлиги самараси, албатта. Бир қатор банкларимиз етакчи халқаро рейтинг компанияларининг юқори баҳоларига сазовор бўлаётгани бунинг ёрқин далилидир. Хусусан, "Пахтабанк", "Ҳамкорбанк" ва "Ўзсаноатқурилишбанк" дунёнинг энг нуфузли "Фитч рейтингс" халқаро рейтинг компаниясининг узоқ муддатли тўлиқ халқаро рейтингини, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва "Ғаллабанк" "Мудис" халқаро рейтинг компаниясининг кредитга лаёқатлилик бўйича «барқарор» рейтингини олишга муваффақ бўлди.

Қувончлиси, мамлакатимиз ташқи қарзининг ҳажми бугунги кунда халқаро мезонлар бўйича энг паст параметрларни ташкил этмокда: ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоиз, холос. Бу эса, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш кафолатини берадиган, энг ишончли, тўловга қодир ҳамкорлар қаторидан муносиб жой олишини таъминлайди.

Бундан ташқари, жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш мақсадларига Ўзбекистоннинг йирик тижорат банклари томонидан мунтазам равишда етарли миқдорда маблағлар ажратилаётгани бу тизимнинг истиқболли эканлигини англатади.

Буларнинг ҳаммаси, аслида, Президентимиз ибораси билан айтганда, «Ўз кучи ва салоҳиятига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади», деган ҳақиқатнинг ижобатидир.

***— Яқинда Халқаро валюта фондининг навбатдаги миссияси мамлакатимизга ташриф буюриб, иқтисодиётимиз, хусусан, банк тизимининг ҳозирги босқичдаги ривожланиши ва бу борада олиб борилаётган ислоҳотларни ўрганди. Айтинг-чи, ушбу халқаро молиявий ташкилот мутахассислари республикамиз банк тизими хусусида қандай хулосаларга келишди?***

— Ўтган даврда Ўзбекистон иқтисодиётида шаклланган ижобий тенденциянинг давоми сифатида 2007 йилда ҳам бу жабҳадаги кўрсаткичларнинг юқори динамикаси кузатилганлиги, ташқи савдо баланси ва жорий ташқи иқтисодий операциялар ижобий сальдосининг жуда юқори бўлиши ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро захираларнинг янада ўсишига эришилганлиги миссия томонидан алоҳида эътироф этилди.

Шу билан бирга, ХВФ миссияси Ўзбекистон банк тизимида таркибий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш давом эттирилаётганлиги, бунда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириб бориш орқали банк тизими барқарорлиги таъминланаётганлигига юқори баҳо берди.

Ушбу халқаро молия ташкилоти миссияси ўтган давр мобайнида жаҳон молия бозорларида рўй берган салбий ўзгаришлар республика банк тизимига ўз таъсирини кўрсатмаганлигини ҳам алоҳида уқтириб ўтди. Шунингдек, миссия томонидан сўнгги пайтларда банк тизимининг молиявий воситачилик роли янада кенгайиб, жалб қилинган депозитлар миқдори кескин ошганлиги, ўз навбатида, ўсиб бораётган иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг имконияти янада кенгайганлиги тўғрисида хулоса берилди.

Албатта, бу холис ва тўғри эътирофларнинг мазмун-моҳиятида мамлакатимиз Президентининг банк тизимига кўрсатаётган бевосита эътибори, уни янада ривожлантириш бўйича билдирган ғоя ва ташаббуслари мужассамлиги кундай равшандир.

Кези келганда, яна шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда республикамиз тижорат банклари томонидан Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислом Тараққиёт банки, АҚШ, Европа ва Осиёнинг бир қатор йирик молия институтлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, жалб қилинган хорижий сармоялардан мақсадли ва самарали фойдаланиб келинмокда. Айтайлик, 2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортиб, 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 70 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, жумладан, қарийб 50 фоизи корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтирилди.

Жорий йилда эса хорижий сармояларни киритиш ҳисобидан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, умумий қиймати 1,4 млрд. АҚШ долларилик ўттиздан зиёд объектни фойдаланишга топшириш мўлжалланмокда.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда 2006 йили ташкил этилган, бугунги кунда 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳам муҳим ўрин тутаётир.

Шулардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, мамлакатимизнинг барча аҳолиси, жойларда фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахслар ҳар доим биринчи даражали банк хизмати кўрсатилишига ишонч ҳосил қилсалар, сира адашмайдилар. Бу эса, табиийки, мамлакатимиз иқтисодиёти янада мустаҳкамланиши, халқимиз турмуш даражаси эса муттасил фаровон бўлишига хизмат қилади.

***— Суҳбатингиз учун ташаккур!***

**«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.**

